

Қаршида 400 йиллик масжид 18 йилдан буён хароб ҳолда турибди



10:57 / 15.10.2018 3369

Қарши шаҳар Ҳарамжўй маҳалласидаги 1650–1660 йилларда қурилган, аммо тарихда номи қайд этилмаган масжид 2000 йилда нурай бошлаган. Бугунги кунда у қаровсиз ётибди. Бу ҳақда [Turon24 хабар берди](#).

Хабарда айтилишича, масжид харобасига "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва вилоят кенгаши депутатларидан иборат гуруҳ ҳудуддаги маданий мерос объектларини ўрганиш давомида дуч келган.

Аниқланишича, бу масжид мадраса вазифасини ҳам ўтаган. Иморат шундай муҳандислик ечими асосида барпо этилганки, ичкараси ёзда салқин, қишда иссиқ бўлган. Масжиддан иккинчи жаҳон уруши йилларида омборхона сифатида фойдаланилган.

Гуруҳ вилоятда 1321 та маданий мерос объекти рўйхатга олинганини маълум қилди. Шундан 1043 таси археологик ёдгорлик, 27 таси диққатга сазовор жой, 43 таси ҳайкал, 208 таси эса архитектура ёдгорлигидир. Маданий мерос объектларидан 347 таси давлат кадастри рўйхатидан ўтказилган бўлса, қолганларининг чегарасигина белгиланган.

“Ҳозир Қарши шаҳридаги 60 та маданий объектнинг бугунги аҳволи қониқарсиз аҳволда, – деди партия вилоят кенгаши матбуот котиби Шаҳноза Қаҳҳорзода. – Ҳарамжўй ва Чақар маҳалласида 4 та объект

харобага айланган. Айниқса, Чақардаги XV асрда қурилган Шарофбой мадрасаси нураб, қаровсиз ҳолга келиб қолган”.